

АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ОРҚАЛИ
СОДИР ЭТИЛАЁТГАН ПОРАХЎРЛИК ЖИНОЯТЛАРИНИНГ
НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Бердиев Сурур Кахрамонович

Ўзбекистон Республикаси

Криминология тадқиқот

институту мустақил

изланувчиси

Аннотация

Ушбу мақола тадқиқотчининг “Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилаётган порахўрликка қарши курашишнинг жинойий-ҳуқуқий чораларини такомиллаштириш” мавзусидаги тадқиқоти асосида тайёрланган.

Мазкур мақолада муаллиф ахборот-коммуникация технологиялари орқали содир этилаётган порахўрлик жиноятлари тушунчаси, унинг назарий-ҳуқуқий таҳлили ва квалификацияси ҳақида батафсил тушунтириш берган.

Ушбу мақола билан муаллиф ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилаётган порахўрлик жиноятларининг тамом бўлиш вақти кибермуҳит, шу жумладан, кибермаконда бўлиши ҳақида концептуал назарий фикрларни бериб, миллий ва хорижий адабиётларни ҳамда эмпирик базани таҳлил қилади ва миллий қонунчилик амалиётдан анча орқада қолаётганлигини таъкидлаб, қонунчиликни янги концепция доирасида қайта кўриб чиқиш зарурлигини таъкидлайди.

Калит сўзлар: жиноят, порахўрлик, ахборот-коммуникация технологиялари, объект, субъект, объектив томон, субъектив томон,

жиноят тамом бўлиш вақти, жиноят предмети, жиноят воситаси, коррупция, киберкоррупция, концепция.

Аннотация

Данная статья подготовлена на основе исследования автора на тему «Совершенствование уголовно-правовых мер борьбы с коррупцией, совершаемой с использованием информационно-коммуникационных технологий».

В данной статье автор подробно разъясняет понятие преступлений взяточничества, совершаемых с использованием информационно-коммуникационных технологий, их теоретико-правовой анализ и квалификацию.

В статье автор выдвигает концептуальные теоретические положения о том, что момент окончания преступлений взяточничества, совершаемых с использованием информационно-коммуникационных технологий, приходится на киберсреду, в том числе киберпространство, анализирует национальную и зарубежную литературу, а также эмпирическую базу, и подчеркивает, что национальная законодательная практика значительно отстает, в связи с чем необходимо пересмотреть законодательство в рамках новой концепции.

Ключевые слова: преступление, взяточничество, информационно-коммуникационные технологии, объект, субъект, объективная сторона, субъективная сторона, момент окончания преступления, предмет преступления, средство совершения преступления, коррупция, киберкоррупция, концепция.

Annotation

This article was prepared based on the author's research on the topic "Improvement of criminal-legal measures to combat bribery committed using information and communication technologies."

In this article, the author provides a detailed explanation of the concept of bribery crimes committed through information and communication technologies, their theoretical and legal analysis, and their qualification.

In the article, the author puts forward conceptual theoretical views that the moment of completion of bribery crimes committed using information and communication technologies occurs in the cyber environment, including cyberspace, analyzes national and foreign literature as well as the empirical base, and emphasizes that national legislative practice is significantly lagging behind, highlighting the need to reconsider legislation within the framework of a new concept.

Keywords: crime, bribery, information and communication technologies, object, subject, objective side, subjective side, moment of completion of a crime, предмет преступления, means of committing a crime, corruption, cybercorruption, concept.

Ҳуқуқ соҳаси ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси икки хил соҳа ҳисобланса-да, бугунги кунда ахборот-коммуникация технологияларининг ривожини туфайли бу соҳалар ўзаро боғлиқ соҳага айланиб бормоқда. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилаётган порахўрлик жиноятлари эса, айнан мана шу икки хил соҳанинг ўзаро муносабатларга киришган қисмида пайдо бўлаётган ижтимоий муносабатлар билан боғлиқдир. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилаётган порахўрлик жиноятларининг назарий-ҳуқуқий мазмун-моҳияти ва классификацияси ҳақида етарлича тушунчага эга бўлиш учун «порахўрлик», «жиноят», «ахборот-коммуникация технологиялари» тушунчалари ҳақида лозим даражада тушунчага эга бўлиш талаб қилинади. Маълумки, диссертация авторефератининг тўлиқ матни «ZiyoNET» таълим ахборот тармоғига жойлаштириш учун юборилиши

таъминланади, бироқ ушбу тармоқ кўздан кечирилганида порахўрлик жиноятлари ёки ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилаётган порахўрлик жиноятларининг комплекс юридик тавсифини назарда тутувчи бирон бир автореферат ёки илмий иш аниқланмади¹ ва шу сабабли бу тармоқда жойлашган илмий ишлар бўйича тадқиқот предметида назарда тутилган тушунчаларнинг доктринал таърифлари мавжуд эмаслиги аниқланди. Шунингдек, «**порахўрлик**», «**жиноят**», «**ахборот-коммуникация технологиялари**» тушунчалари ҳақида назарий-ҳуқуқий томондан кўпчилик ўзининг доктринал фикрини беришга ҳаракат қилишган, бироқ «**Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилаётган порахўрлик жиноятлари**» тушунчаси ҳақида ҳали бирон бир ўзбек олимлари доктринал фикр юритиб, уни асослаб беришмаган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг VIII бўлимида «*порахўрлик*» деганда пора олиш, пора бериш ёки бу жиноятларда воситачилик қилишни назарда тутуди². Шу фикрнинг тасдиғи ўлароқ А. Алланов «*Порахўрлик*» бошқа аксарият жиноятлардан фарқли равишда камида иккита жиноят субъекти (ёки пора олувчи ва пора берувчи, ёки пора берувчи ва воситачи)нинг мавжудлигини назарда тутуди. Бошқача айтганда, бу бир бутун жиноятда бир неча субъектларнинг жиноий фаолияти ягона жиноий мақсад билан бирлашади ва бир-бирини ўзаро тўлдиради.» деб фикр беради³. Олим Б.В.Волженкин «*порахўрлик тушунчасига таъриф берар экан, уни пора олиш ва беришга тажовуз қилиш объекти бир хил – давлат бошқаруви*

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2017 йил 31 майдаги 239/3-сон қарори (рўйхат рақами 2893, 2017 йил 23 июнь) билан тасдиқланган Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш тўғрисидаги низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

² Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

³ А. Алланов. Порахўрлик жиноятлари тушунчаси ваунинг жиноят-ҳуқуқий тавсифи. –Т.: Eurasian journal of law, finance and applied sciences. 2024 й., 240-б.

аппарати мансабдор шахснинг ўз расмий фаолияти билан боғлиқ равишда пора берувчи томонидан ўтказилган ноқонуний моддий кўринишдаги ҳақни қабул қилиши орқали давлат бошқаруви нормал фаолият кўрсатишига тўсқинлик қилиши», деб тушунтиради⁴.

Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 210-212-моддаларида «пора олиш, бериш ва унда воситачилик қилиш» жиноятлари учун жиноий жавобгарлик белгиланган ҳолда, пора олиш билан боғлиқ ушбу Жиноят кодексининг 192⁹-моддасида «Тижоратда пора эвазига оғдириб олиш», 192¹⁰-моддасида «Нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш», 213-моддасида «давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш», 214-моддасида «давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши», 214¹-моддасида «спорт мусобақалари иштирокчилари ва ташкилотчиларининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши», 214²-моддасида «спорт мусобақалари иштирокчилари ва ташкилотчиларини пора эвазига оғдириб олиш» учун жиноий жавобгарлик назарда тутилиб, порахўрлик жиноятларининг Жиноят кодексининг VIII бўлимида назарда тутилган порахўрлик тушунчасига қараганда кенгроқ тушунчага эга эканлигини ифодалаган.

Аслида «пора» сўзи араб тилида «ришва» деб аталиб, шарийй истилоҳда «ҳақни йўққа чиқариш ва ботилни юзага чиқариш учун бериладиган нарса»га айтилган⁵ ва шу орқали пора қонунчилигимизда

⁴ Волженкин Б.В. Служебные преступления. - М.: Юристъ, 2000. С. 193.

⁵ <https://islom.uz/maqola/4035>.

назарда тутилганидан кенгроқ тушунча эканлигини таъкидлашимиз зарур.

Европа Кенгаши томонидан 1999 йилда қабул қилинган «Коррупция учун фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик тўғрисида»ги Конвенцияда «порахўрлик» эмас, балки «коррупция» тушунчаси келтирилган бўлса-да, унинг мазмун-моҳиятига эътибор қаратсак, коррупцияга «пора олувчидан талаб қилинадиган мажбуриятлар ва юриш-туриш қоидаларини бажаришдан оғдиришга қаратилган ҳар қандай афзалликларни бевосита ва билвосита бериш, қабул қилиш, таклиф қилиш ёки сўрашдан иборат ҳаракатлар»⁶ сифатида таъриф берилиши орқали порахўрликнинг Жиноят кодексининг VIII бўлимида назарда тутилган тушунча таърифига қараганда анча кенг тушунчага эга эканлигини билишимиз мумкин.

Н.А. Лопашенконинг фикрича, «порахўрлик коррупциянинг ўзаги бўлиб, унда ҳар доимо мажбурий тартибда мавжуд бўлади»⁷. Бироқ, бу фикрга қарама-қарши фикр сифатида Б.С. Шамсутдинов «коррупциявий жиноятларнинг энг кўп тарқалган тури порахўрлик жиноятлари ҳисобланади. Қарийб барча мамлакатларда коррупциявий жиноятларнинг мазкур тури учун жавобгарлик назарда тутилганлигини кўришимиз мумкин. Коррупциявий жиноятларнинг доираси нисбатан кенгроқ бўлиб, ўз ичига порахўрликка оид жиноятларни ҳам қамраб олади»⁸, деб фикр беради. Фикримизча, Б.С. Шамсутдиновнинг фикрларида жон бор, сабаби коррупция порахўрлик бўлиши мумкин, бироқ порахўрлик ҳар доим коррупциянинг барча белгиларини қамраб ололмаслиги мумкин. Масалан, мансабга совуққонлик, мансабни

⁶ «О гражданско-правовой ответственности за коррупцию» (ETS N 174. Страсбург, 4 ноября 1999 г.) Конвенция Совета Европы // [chrome-extension://efaidnbmnnnibpcajpcglclefindmkaj/https://rm.coe.int/168007f58d](https://rm.coe.int/168007f58d).

⁷ Лопашенко Н. А. Противодействие российской коррупции: обоснованность и достаточность уголовноправовых мер // Следователь. 2009. № 6. С.35–40.

⁸ Б.С. Шамсутдинов. Коррупциявий жиноятлар учун жавобгарлик. Монография // Масъул муҳаррир: Д.Б.Базарова, ю.ф.н., профессор в.б. – Т.: Тошкент давлат юридик университети, 2020. – 120 бет.

суистеъмол қилиш, манфаатлар тўқнашувига йўл қўйиш ҳолатлари коррупцияга оид муносабатларни қамраб олиши мумкин, бироқ улар ҳар доим порахўрликка оид муносабатлар саналмайди.

Ш. Умаров фикрича «Порахўрлик жиноятлари тушунчаси порахўрлик билан боғлиқ ҳолда содир этилаётган ҳар қандай жиноятларни қамраб олади. Шунга кўра, ушбу турдаги жиноятларни билиш орқали порахўрлик жиноятлари тушунчаси англашилади. Масалан, пора олиш, пора бериш, пора олиш ва беришда воситачилик қилиш, хусусий сектордаги пора ва ҳоказолар умумий порахўрлик жиноятари тушунчасини келтириб чиқаради»⁹. Ушбу фикрларда жон бор бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 192⁹-моддасидаги «*Тижоратда пора эвазига оғдириб олиши*», 192¹⁰-моддасидаги «*Нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиши*», 213-моддасидаги «*давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариши органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиши*», 214-моддасидаги «*давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши органи хизматчисининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкӣ манфаатдор бўлиши*», 214¹-моддасидаги «*спорт мусобақалари иштирокчилари ва ташкилотчиларининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкӣ манфаатдор бўлиши*», 214²-моддасидаги «*спорт мусобақалари иштирокчилари ва ташкилотчиларини пора эвазига оғдириб олиши*» қилмишлар ҳам порахўрлик жиноятлари ҳисобланади ва уларнинг мазмун-моҳияти ҳам порахўрлик билан чамбарчас боғлиқдир.

М.Х.Рустамбоев ўз фикрида «порахўрликни – бошқарув органлари фаолияти тартибига қарши қаратилган уч мустақил мансабдорлик

⁹ Ш. Умаров. Порахўрлик жиноятлари учун жавобгарликни халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш масалалари. – Т.: Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган диссертация. 2021 й. – Б.17.

жиноятлари – пора олиш, пора бериш ва пора олиш-беришда воситачилик қилишни ўз ичига олган тушунча», деб ҳисоблайди¹⁰. Фикримизча, бу фикрлар тўлиқ эмас, сабаби Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 192⁹-моддасидаги «*Тижоратда пора эвазига оғдириб олиш*», 192¹⁰-моддасидаги «*Нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш*» қилмишлари учун жавобгарлик Жиноят кодексининг XV бобидаги Бошқарув тартибига қарши жиноятлар таркибида эмас, балки ушбу Кодекснинг XIII¹ бобидаги Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашиб билан боғлиқ жиноятлар ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қиладиган бошқа жиноятлар таркибига киритилган.

Амалдаги Жиноят кодексимиздаги моддаларнинг жойлашуви объектга нисбатан шакллантирилганлигини ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 192⁹-моддасидаги «*Тижоратда пора эвазига оғдириб олиш*», 192¹⁰-моддасидаги «*Нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш*» қилмишлари мазмунан бошқарув тартибига қарши жиноятлар ҳисобланмаслигини, давлат органлари ва ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мансабдор шахсининг тадбиркорлик субъекти ёки нодавлат нотижорат органлари вакили саналмаслигини инобатга олсак, олимнинг фикрлари билан тўлиқ қўшилиб бўлмайди.

В. Каримов «*порахўрлик* деганда, пора олиш (ЖК 210-моддаси), пора бериш (ЖК 211-моддаси), шунингдек пора олиш ёки беришда воситачилик қилиш (ЖК 212-моддаси) жиноятлари тушунилади», деб

¹⁰ М.Х.Рустамбаев “Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси” 4-том. Дарслик. Т.:Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Харбий-техника институти, 2018. 390-бет.

тушунтириш беради¹¹. Р.А.Зуфаров ҳам шунга ўхшаш фикрларни қайд этиб, «порахўрлик жинояти тор маънода пора олиш, кенг маънода «порахўрлик» тушунчаси учта жиноят таркибини: пора олиш, пора бериш ва пора олиш-беришда воситачилик қилишни қамраб олади, деб тушунтириш берган¹².

Бироқ, пора олиш билан боғлиқ жиноятлар учун жавобгарлик фақатгина В. Каримов ва Р.А.Зуфаров таъкидлаган Жиноят кодексидаги учта моддалар билан чекланмаган, балки Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 192⁹-моддасида *«Тижоратда пора эвазига оғдириб олиш»*, 192¹⁰-моддасида *«Нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш»*, 213-моддасида *«давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш»*, 214-моддасида *«давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкӣ манфаатдор бўлиши»*, 214¹-моддасида *«спорт мусобақалари иштирокчилари ва ташкилотчиларининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкӣ манфаатдор бўлиши»*, 214²-моддасида *«спорт мусобақалари иштирокчилари ва ташкилотчиларини пора эвазига оғдириб олиш»* учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган. Демак, порахўрлик жиноятлари фақатгина Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 210-212-моддаларини қамраб олади, деган В. Каримов ва Р.А.Зуфаровнинг фикрлари билан умуман келишиб бўлмайди.

¹¹ В. Каримов. Порахўрлик жиноятларини фош этиш бўйича ўтказиладиган тезкор-қидирув тадбирлари: кўлланма (практикум). – Тошкент, 2019. – 85б.

¹² Зуфаров Р.А. Порахўрлик учун жиноий жавобгарлик. // Масъул мухаррир М.Х. Рустамбоев юридик фанлари доктори, профессор. – Т.: ТДЮИ., 2004. – Б.16.

Ф. Юсупов фикрича, *«порахўрлик бу – мансабдор шахс томонидан бирор бир мақсадни кўлаб ўзига берилган ваколатлардан фойдаланиб, ўзга шахс, яъни пора берувчи фойдасига муайян ҳаракатларни бажариши ёки бажармаслик эвазига шахсан ўзи ёки воситачи орқали пул, қимматли қозғозлар, бошқа мол-мулкни олиш, беришни талаб қилиш ёки ўтказиш орқали амалга оширилиши тушунилади.»*¹³. Фикримизча, Ф. Юсуповнинг мазкур фикри пора олишга қўйилган мезонларга тўғри келади ва ушбу фикрларга биз тўлиқ қўшила олмаймиз. Сабаби айнан мансабдор шахс ўзга шахснинг манфаатида ушбу ҳаракатларни амалга оширади ва шу орқали бошқарув тартибини таъминловчи ижтимоий муносабатларга қасд қилади.

Бундан ташқари, Жиноят ҳуқуқи назариясида порахўрлик формал таркибли жиноят бўлиб, пора олинган вақтдан тамом ҳисобланади. Бироқ, рақамли транзакцияларда бу вақтни белгилашда L. Lessignинг “Code is Law” (Код – бу қонун) концепциясига таяниш мумкин. Унга кўра, кибермуҳит, шу жумладан, кибермаконда “пора олиш” жисмоний эгалик эмас, балки рақамли калитларга (private keys) эгалик қилиш ва тизимни бошқариш имконияти пайдо бўлганда юз беради¹⁴. Бу эса Ф. Юсуповнинг пора олишнинг тугалланиш пайти бўйича берган классик таърифини “рақамли тасарруф этиш имконияти” (digital possibility of disposal) элементи билан бойитишни тақозо этади.

А.Д. Умаров фикрича, *«коррупция – бу давлат (муниципал) ходимлари, давлат ва бошқа бошқарув функцияларини бажаришига ваколатли шахсларнинг белгиланган қонун ва ахлоқ нормаларига зид равишда, шахсий бойиш мақсадида ёки гуруҳ манфаатлари учун, шу жумладан хусусий секторда ўзларининг расмий мавқеини кучайтириши ва*

¹³ Ф. Юсупов. Порахўрлик жинояти тушунчаси, моҳиятининг назарий ҳуқуқий тавсифи. – Т.: EJLFAS. 2024. №6. – Б.144.

¹⁴ L. Lessig. Code is Law. the Perseus Books Group New York/ 2006 у., // <https://archive.org/details/Code2.0/page/n5/mode/2up>.

ваколатларидан фойдаланиш орқали жамият ва давлатнинг парчаланишига оид ижтимоий ҳодиса саналади. Коррупциявий жиноят эса, давлат (муниципал) ходимлари ва давлат функцияларини бажаришига ваколатли бошқа шахслар, шунингдек хусусий сектор ташилотларида расмий лавозимларни эгаллаган шахслар томонидан ўз мақом имкониятларидан ноқонуний равишда шахсий, гуруҳий ёки корпоратив имтиёзларни бошқа шахслар, жамият ва давлат манфаатларига зид равишда олиш учун содир этилган жиноятлар мажмуи саналади.»¹⁵.

Ғ. Ғофуров фикрича, «коррупция бирор-бир мансабга эришиш учун, ҳамда, ўз мансабидан фойдаланиб текин даромад топиш мақсадида, давлат тақиқлаган ва инсоний бурчлар тақиқлаган, турли-ҳил усуллардан фойдаланиш демакдир. Бунга ўз манфаатида фойдаланиш учун, барча ноқонуний ҳаракатлар мужсасмлашади.»¹⁶.

Фикримизча эса, «порахўрлик» тушунчасига қараганда «коррупция» тушунчаси кенг маънога эга бўлиб, коррупцияда шахс ўзининг мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш муҳим аҳамиятга эга бўлса, порахўрликда асосий наф моддий наф олишга қаратилган бўлади. Хусусан, аёл ва эркакнинг ўзаро шахсий муносабатларга киришга ҳаракат қилиши, ўзаро жинсий алоқага таклиф қилиш ёки розилик беришга оид ҳолатлар пора предмети бўла олмайди, қолаверса, коррупция сиёсий ва ижтимоий тушунча ҳам саналади. Шу сабабли уларнинг ўртасидаги ўзаро фарқлар 2-иловага мувофиқ диссертацияга илова қилинди.

¹⁵ А.Д. Умаров. Причины и условия коррупционных преступлений в Республике Узбекистан и меры их предупреждения. ... Магистрлик диссертацияси. – Т.: 2014 г., – С.: 23.

¹⁶ Ғ. Ғофуров. Коррупциянинг жамият тараққиётига хавфи ва унга қарши кураш омиллари... Битирув малакавий иш. – Т.: 2016 й., – Б.8.

Юқоридагиларга кўра айтишимиз керакки, порахўрлик пора олиш, пора бериш ва пора олиш-беришда воситачилик қилишга оид энг муҳим учта таркибий элементдан иборат бўлиши мумкин, бироқ унинг содир этиш усули ва шаклига қараб, улар кенг маънода тушунилади.

Фикримизча, **порахўрлик** – пора олиш, пора бериш, пора-олиш беришда воситачилик қилиш, шунингдек, маълум бир соҳа, тармоқ ёки йўналишда пора эвазига мансабдор шахс ёки хизматчининг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиши ёки мансабдор шахс ёки хизматчини пора эвазига шундай ҳаракатлар содир этиши учун оғдириб олишга қаратилган Жиноят кодекси билан тақиқланган ва жазо қўллаш таҳдиди бўлган айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) саналади.

М. Рустамбоевнинг фикрича «Жиноят» тушунчасига жиний-хуқуқий ҳарактердаги таъриф биринчи бор 1791 йилда қабул қилинган Франция Жиноят кодексида белгиланган бўлиб, ушбу таъриф формал тусга эга бўлса-да, унда «Жиноят бу амалдаги жиноят қонуни билан жазоланадиган қилмишдир», дея таъриф берилган. Жиноят – шахснинг жиноят қонуни билан тақиқланган маълум бир шаклдаги хатти-ҳаракати ҳисобланади¹⁷.

Ҳ. Очилов, Ш. Хайдаров, З. Шамсиддинованинг фикрича, *«жиноят қонуни билан тақиқланган айбли ижтимоий хавфли қилмиш жазо қўллаш таҳдиди билан жиноят деб топилади.»*¹⁸.

¹⁷ М.Х. Рустамбоев. Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм) олий ўқув юртлари учун дарслик. – Т.: “ИЛМ-ЗИҲО”. 2005 й., – Б.75.

¹⁸ Ҳ. Очилов, Ш. Хайдаров, З. Шамсиддинова. “Жиноят ҳуқуқи” (Умумий қисм). Ўқув қўлланма. – Т.: ТДЮУ нашриёти, 2021 й., – Б.20.

Юқорида берилган М. Рустамбоев, Ҳ. Очилов, Ш. Хайдаров, З. Шамсиддинованинг фикрларига қўшилган ҳолда, қуйидагиларни алоҳида таъкидлаб ўтиш даркор:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 4-моддасига асосан, содир этилган қилмишнинг жиноийлиги, жазога сазоворлиги ва бошқа ҳуқуқий оқибатлари фақат Жиноят кодекси билан белгиланади. Демак, қонунчилик талабига асосан, ҳар қандай қилмиш жиноят деб аталишининг шarti у Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 4-моддаси талабига асосан, у ушбу Кодекста белгиланган бўлиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 14-моддасига асосан, ушбу Кодекс билан тақиқланган, айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳдиди билан жиноят деб топилади. Ушбу Кодекс билан кўриқланадиган объектларга зарар етказадиган ёки шундай зарар етказиш реал хавфини келтириб чиқарадиган қилмиш ижтимоий хавфли қилмиш деб топилади.

Демак, **жиноят** – ҳар бир давлатнинг жиноят қонунида тақиқланган, жазо қўллаш таҳдиди бўлган айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) саналади.

Ахборот-коммуникация технологиялари тушунчасига ҳам олимлар турлича тушунча беришга ҳаракат қилишган. Қонун чиқарувчи эса, ушбу тушунчанинг мазмун-моҳиятини амалдаги қонунчиликда тор доирада «ахборот технологиялари» дея таъкидлаб, унга кўра, **ахборот технологияси** ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ва уни тарқатиш учун фойдаланиладиган жами услублар, қурилмалар, усуллар ва жараёнлар ҳисобланади¹⁹. Бироқ, ахборот технологияси сунъий интеллект технологияси, телекоммуникация ва бошқа технологияларни ва воситаларни техник томондан тўлиқ қамраб олмайди.

¹⁹ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Маълумки, **сунъий интеллект технологияси** – сунъий интеллектдан фойдаланишга асосланган технологиялар, шу жумладан, интеллектуал видеотаҳлил, нутқни таниб олиш ва синтезлаш, қабул қилинган қарорларни интеллектуал қўллаб-қувватлашнинг истиқболли усуллари²⁰, **рақамли технологиялар** – маълум бир кетма-кетлик ва частоталарда кодли импульсларни ёзиш учун қўлланиладиган электрон ҳисоблаш машиналаридан фойдаланиладиган технологиялар²¹ бўлиб, унга Интернет, мобил алоқа, компьютер ва смартфон технологиялари, блокчейн, сунъий интеллект, булутли ҳисоблаш, ижтимоий тармоқлар, рақамли медиа, электрон ҳукумат тизимлари киради. **Телекоммуникациялар** – ахборотнинг белгилар, матнлар, тасвирлар, товушлар, видео тарзидаги ёки бошқа турдаги сигналларини ўтказгичли, радио, оптик ёки бошқа электромагнит тизимлардан фойдаланган ҳолда узатиш, қабул қилиш ва уларга ишлов бериш ҳисобланади²².

Шунга кўра, уларга оид инфратузилма ҳам фарқ қилади, мисол учун, телекоммуникациялар воситалари телекоммуникациялар инфратузилмаси ҳисобланиб, улар телекоммуникациялар ускуналари, телекоммуникациялар иншоотлари, кабель линиялари ҳамда уларни бошқариш имконини берувчи тизимлар бўлса, у актив ва пассив шаклда бўлиши мумкин. Актив телекоммуникация инфратузилмасига телекоммуникациялар иншоотлари кирса, пассив телекоммуникация инфратузилмасига телекоммуникациялар ускуналари киради. Телекоммуникациялар иншоотларига телекоммуникацияларнинг амалга оширилишини таъминловчи бинолар, мосламалар, таянчлар, мачталар,

²⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 14 октябрдаги ПҚ-358-сон қарори билан тасдиқланган Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²¹ □ Вази́рлар Маҳкамасининг 2020 йил 17 декабрдаги 794-сон қарори билан тасдиқланган “Ақлли кишлоқ хўжалиги” технологияларини ривожлантириш стратегияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²² Ўзбекистон Республикасининг “Телекоммуникациялар тўғрисида” 2024 йил 27 декабрдаги ЎРҚ-1015-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

тарқатиш қутилари, шкафлар ва бошқалар кирса, телекоммуникациялар ускуналарига телекоммуникацияларни амалга ошириш учун мўлжалланган техник ускуналар ва уларга ўрнатилган дастурий таъминот киради. Демак, ахборот технологияси услублар, усуллар ва жараёнлар бўлиши мумкин, бироқ доимо қурилма бўла олмайди. Қурилмалар телекоммуникация иншооти ёки ускунаси кўринишида бўлиши мумкин, бироқ телекоммуникацияларнинг амалга оширилишини таъминловчи қурилмаларни ахборот технологияси деб бўлмайди. Ахборот-коммуникация технологиялари эса, ахборотни яратиш, узатиш, ишлаш ва бошқариш билан боғлиқ технологиялар²³ сифатида ахборот технологиясидан кенгрок тушунча саналади.

Шу сабабли назарий-ҳуқуқий томондан қонун чиқарувчи томонидан соҳавий қонунда назарда тутилган тушунчани бугунги кун талабига мувофиқлаштириш зарур бўлади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг «Киберхавфсизлик тўғрисида» 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонунига асосан, «**кибержиноятчилик** – ахборотни эгаллаш, уни ўзгартириш, йўқ қилиш ёки ахборот тизимлари ва ресурсларини ишдан чиқариш мақсадида кибермаконда дастурий таъминот ва техник воситалардан фойдаланилган ҳолда амалга ошириладиган жиноятлар йиғиндиси, демак у ахборот-коммуникация технологиялари билан боғлиқ тушунча саналади. **Кибермакон** эса, ахборот технологиялари ёрдамида яратилган виртуал муҳит ҳисобланади. У кибертахдид ёки киберхавфсизлик ҳодисаси кўринишида содир этилади. **Кибертахдид** — кибермаконда шахс, жамият ва давлат манфаатларига таҳдид солувчи шарт-шароитлар ва омиллар мажмуи бўлса, **киберхавфсизлик ҳодисаси** — кибермаконда ахборот

²³ Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 23 апрелдаги 102-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантиришнинг ҳолатини ўрганишни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

тизимларининг ишлашида узилишларга ва (ёки) улардаги ахборотнинг очиклиги, яхлитлиги ва ундан эркин фойдаланилишининг бузилишига олиб келган ҳодиса ҳисобланади²⁴.

Кибержиноятчиликка қарши курашиш орқали киберхавфсизлик, яъни кибермаконда шахс, жамият ва давлат манфаатларининг ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолатини таъминлаш имконияти яратилиши мумкин. Порахўрлик жиноятлари эса, айнан ахборот-коммуникация технологиялари орқали кибермаконда содир этилаётганлиги туфайли бугунги кунда янги кибержиноятчилик вужудга келган.

Юқоридаги тушунчалардан келиб чиқиб айтиш керакки, фикримизча, **ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилаётган порохўрлик жинояти** деб, кибермуҳитда, шу жумладан, кибермаконда ёки ундан фойдаланиб ахборот-коммуникация технологиялари орқали пора олиш, пора бериш, пора-олиш беришда воситачилик қилиш, шунингдек, маълум бир соҳа, тармоқ ёки йўналишда пора эвазига мансабдор шахс ёки хизматчининг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиши ёки мансабдор шахс ёки хизматчини пора эвазига шундай ҳаракатлар содир этиши учун оғдириб олишга қаратилган Жиноят кодекси билан тақиқланган ва жазо қўллаш таҳдиди бўлган айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) саналади. Бунда, биз тақлиф этаётган ахборот-коммуникация технологиялари тушунчаси фақат техник воситаларни эмас, балки кибермуҳитни ҳам қамраб олади. Порахўрлик қисмида эса, бу

²⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

технологиялар айбдор ва жабрланувчи ўртасидаги жисмоний масофани йўқ қилувчи ва жинойий ниятни виртуал шаклга ўтказувчи воситадир. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этиладиган порахўрлик жинойятларининг ўзига хослиги шундаки, унда “пора предмети”, масалан, криптовалюта ёки электрон ҳамёндаги ёзув ва “жинойят содир этиш усули” (масофавий бошқариш) бир вақтнинг ўзида рақамлашади. Демак, анъанавий порахўрликдан фарқли ўлароқ, бу ерда жинойятнинг объектив томони кибермаконда тамом бўлади.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда порахўрликка қарши курашиш учун Ўзбекистон Республикасида 24 та Қонун, Президентнинг 61 та Фармони ва 72 та қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 138 та қарори, 30 та идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат, **жами 325 та қонунчилик ҳужжати** ва киберхавфсизликни таъминлаш бўйича 12 та Қонун, Президентнинг 20 та Фармони, Президентнинг 29 та қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 40 та қарори, 13 та идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат, **жами 113 та қонунчилик ҳужжати** бўлса ҳам, ахборот-коммуникация технологияларининг ривожини туфайли кибермуҳитда, шу жумладан, кибермаконда ёки ундан фойдаланиб ахборот-коммуникация технологиялари орқали содир этилаётган порахўрлик жинойятларининг сони кўпайиб бормоқда ва ушбу соҳани тўғри ва тўлиқ тадқиқ этиш учун бу соҳадаги ислоҳотлар ва мавжуд ижтимоий муносабатларни тизимлаштириш зарурияти мавжуд. Бу заруриятни қисқача қилиб, ахборот-коммуникация технологияларининг ривожини туфайли кибермуҳитда, шу жумладан, кибермаконда ёки ундан фойдаланиб ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилаётган порахўрлик жинойятларининг таснифланиши деб тушунтирсак бўлади. Айнан таснифлаш орқали вертикал ва горизантал кўринишда бу турдаги жинойятларни тўғри таҳлил қилиш мумкин.

Ахборот-коммуникация технологияларининг ривожига туфайли кибермуҳитда, шу жумладан, кибермаконда ёки ундан фойдаланиб ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилаётган порахўрлик жиноятларининг **содир этилиш шаклига кўра, актив ва пассив** ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилаётган порахўрлик жиноятларига бўлинади.

Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилаётган порахўрлик жиноятлари **содир этилиш усулига кўра**, ҳар бир давлат жиноят қонунчилигига кўра, турлича таснифланади. Хорижий давлатлар (Германия, Эстония, Жанубий Корея ва ҳк.) тажрибаси таҳлили шуни кўрсатадики, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этиладиган порахўрликни таснифлашда асосий мезон сифатида технологик мураккаблик даражаси олинган. Бу эса Ўзбекистон жиноят қонунчилигида ҳам ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни оддий восита сифатида эмас, балки жиноятнинг квалификация белгиси сифатида алоҳида гуруҳларга ажратиш заруриятини илмий асослайди. Масалан, Белгия Жиноят кодексининг 246-моддасига мувофиқ, «жамоат вазифаларини амалга оширувчи шахснинг ўзи ёки бошқа шахс учун бирор-бир таклиф, ваъда ёки ҳар қандай хусусиятдаги нафни, бевосита ёки учинчи шахслар орқали қабул қилиши, сўраши ёки тасдиқлаши пассив порахўрлик ва ушбу Кодекс 247-моддасида назарда тутилган хатти-ҳаракатлардан бирортасини қабул қилиши учун жамоат вазифаларини бажарувчи шахсга, мазкур шахснинг ўзи ёки бошқа шахс учун тўғридан-тўғри ёки учинчи шахслар орқали ҳар қандай хусусиятдаги афзалликни таклиф қилиш, ваъда қилиш ёки тақдим қилишдан иборат бўлган хатти-ҳаракатлар актив порахўрлик деб топилади»²⁵. Демак, Белгия жиноят қонунчилигига кўра нафақат пора олиш ва бериш, балки порани ваъда қилиш, сўраш, таклиф қилиш ёки

²⁵ Уголовный кодекс Бельгии // <https://www.wipo.int/wipolex/ru/legislation/details/11657>.

шундай таклифни қабул қилиш ҳам жазога сазовор қилмиш ҳисобланади²⁶.

Словакия Жиноят кодексининг 328-моддасига мувофиқ, давлат вазифаларини амалга оширувчи шахснинг ўзи ёки бошқа шахс учун бирор-бир таклиф, ваъда ёки ҳар қандай хусусиятдаги нафни, бевосита ёки учинчи шахслар орқали, қабул қилиши, талаб қилиши ёки қабул қилишга розилик билдириши **пассив порахўрлик** деб топилади²⁷.

Эстония Жиноят кодексининг 296-моддасида «**порага келишиш**» алоҳида таркибли жиноят²⁸, **Малдова** Жиноят кодексининг 334-моддасида «**пора таклиф қилиш**»²⁹ қилмиши мустақил таркибли жиноят сифатида жиноий жавобгарлик белгиланган.

Руминия Жиноят кодексининг 290-моддасида давлат вазифасини бажарувчи шахсга (мансабдор), мазкур шахснинг ўзи ёки бошқа шахс учун тўғридан-тўғри ёки учинчи шахслар орқали ҳар қандай хусусиятдаги афзалликни таклиф қилиш, ваъда қилиш ёки такдим қилишдан иборат бўлган хатти-ҳаракатлар актив порахўрлик деб топилиши белгиланган ҳам ушбу ижтимоий хавфли қилмиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган³⁰.

Япония Жиноят кодексида алоҳида бобда 193-198-моддаларида пора олиш ва унинг оқибатлари ва шакллари бўйича жиноий жавобгарлик назарда тутилган³¹.

Испания Жиноят кодекси эса, порахўрлик жиноятини пора эвазига амалга оширилган хатти-ҳаракатларнинг қонуний ёки ноқонунийлигига

²⁶ Б.С. Шамсутдинов. Коррупциявий жиноятлар учун жавобгарлик. Монография // Масъул муҳаррир: Д.Б.Базарова, ю.ф.н., профессор в.б. – Т.: Тошкент давлат юридик университети, 2020. – 120 бет.

²⁷ Criminal Code of the Slovak Republic // https://natlex.ilo.org/dyn/natlex2/r/natlex/fe/details?p3_isn=72646.

²⁸ Уголовный кодекс Эстонии // <https://www.wipo.int/wipolex/ru/legislation/details/16677>.

²⁹ Уголовный кодекс Республики Молдова // https://continent-online.com/Document/?doc_id=30394923#pos=4628;-20.

³⁰ Уголовный кодекс Румыния // <https://www.wipo.int/wipolex/ru/legislation/details/3580>.

³¹ Уголовный кодекс Японии // <https://constitutions.ru/?p=407>.

кўра икки турга ажратади³². Испания Жиноят кодексининг 419-моддасида мансабдор шахс ёки давлат хизматчисининг ўз хизмат мажбуриятларини бузиш ёки бажармаслиги эвазига ўзи ёки учинчи шахслар фойдасини кўзлаб, совға, мукофот ёки ҳар қандай кўринишдаги тақдирлашни қабул қилиши, сўраши ёки қабул қилишга розилик билдириши учун жиноий жавобгарлик белгиланган бўлса, 420-моддасида шундай хатти-ҳаракат ёки ҳаракатсизликларни ўз мажбуриятларини бузмаган ҳолда содир этиш учун жиноий жавобгарликни назарда тутди³³.

Ирландиянинг 2018 йилдаги «Жиноий одил судлов (коррупциявий ҳуқуқбузарликлар) тўғрисида»ги Актига мувофиқ, актив порахўрлик порани тақдим этиш, таклиф қилиш ёки тақдим этишга розилик билдириш каби ҳаракатларни қамра олса, пассив порахўрлик деганда порани қабул қилиш, сўраш ёки қабул қилишга розилик билдириш тушунилади. Мазкур ҳужжат порани нафақат шахсинг ўзи, балки учунчи шахслар фойдасини кўзлаб олиш ёки бериш учун ҳам жиноий жавобгарликни белгилайди³⁴.

Литва Жиноят кодексининг 225-моддасида қонунга зид ҳаракатларни бажариш орқали пора олиш кўринишидаги жиноят учун оғирроқ жавобгарликни назарда тутди³⁵.

АҚШ кодексларининг «Жиноятлар ва жиноий иш юритиш» дея номланган 18-боби 201-моддаси мансабдор шахслар ёки гувоҳларнинг порахўрлиги учун жиноий жавобгарликни белгилайди. Унга биноан, пора олиш ва беришдан ташқари, пора таклиф қилиш, ваъда қилиш, пора

³² Б.С. Шамсутдинов. Коррупциявий жиноятлар учун жавобгарлик. Монография // Масъул муҳаррир: Д.Б.Базарова, ю.ф.н., профессор в.б. – Т.: Тошкент давлат юридик университети, 2020. – 120 бет.

³³ Уголовный кодекс Испании // <https://www.wipo.int/wipolex/ru/legislation/details/1324>.

³⁴ Criminal Justice (Corruption Offences) Act 2018 (enacted on 5th June 2018) // <https://www.irishstatutebook.ie/eli/2018/act/9/enacted/en/html>.

³⁵ Уголовный кодекс Литовской республики // <https://www.litres.ru/book/v-p-kazanskene/ugolovnyy-kodeks-litovskoy-respubliki-11132581/chitat-onlayn/>.

сўраш ва порани олишга розилик билдириш ҳам жинойй жавобгарликка сабаб бўлади³⁶.

Чили Жинойят кодексининг 248-моддаси номоддий кўринишдаги пора олганликни моддий қимматликка эга бўлган пора олиш жинойтидан ажратади³⁷.

Гонконг жинойят қонунчилиги порахўрлик жинойтларини пора эвазига амалга ошириладиган ҳаракатларнинг рўйхатини белгилаш орқали чегаралаб қўйган. Зеро, 1971 йилдаги «Порахўрликнинг олдини олиш тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддасига мувофиқ, ҳар қандай шахс томонидан, хоҳ Гонконгда, хоҳ бошқа жойда бўлмасин, қонуний ваколат ёки асосга эга бўлмагани ҳолда давлат хизматчисига унинг давлат хизматчиси сифатидаги ҳар қандай ҳаракатни бажариш ёки уни бажаришдан воз кечганлиги, шу ёки бошқа давлат хизматчисининг ҳар қандай бошқа давлат хизматчиси томонидан давлат хизматчиси сифатида амалга оширилаётган ҳаракатни тезлаштириши, кечиктирганлиги, тақиқлаганлиги ёки олдини олганлиги, ҳар қандай шахсга давлат идораси билан ҳар қандай бизнесни амалга оширишда ёрдам бериш, уни қўллаб-қувватлаш, тўсқинлик қилиш ёки кечиктириши кабиларни амалга оширганлиги учун ҳар қандай манфаатни тақдим этиши унинг жавобгарликка тортилишига асос бўлади. Мазкур модданинг 2-қисми давлат хизматчиси томонидан юқорида санаб ўтилган ҳаркатларни амалга оширганлик эвазига манфаатдор бўлиш учун жавобгарликни назарда тутди. Шунингдек, мазкур Қонун Бош ижочига (давлат раҳбари) пора бериш ва унинг пора олиши жинойтларини бошқа мансабдор шахсларнинг порахўрлиги жинойтларидан ажратади³⁸.

³⁶ Кодекс США: Раздел 18 — Преступления и уголовное судопроизводство // <https://www.law.cornell.edu/uscode/text/18>.

³⁷ Código Penal de Chile // chrome-extension://efaidnbmnnnibpcajpcglclefindmkaj/https://www.pucv.cl/uuaa/site/docs/20200416/20200416125903/c_digo_penal_de_la_rep_blica_de_chile.pdf.

³⁸ Cap. 201 Prevention of Bribery Ordinance // <https://www.elegislation.gov.hk/hk/cap201>.

Жанубий Корея Жиноят кодексининг 129-моддаси пора олишдан ташқари, пора сўраш ва пора олишга ваъда бериш учун ҳам жавобгарликни белгилайди. Шу билан бирга, мазкур давлат жиноят қонунчилиги нафақат пора бериш ёки пора беришни ваъда қилишни, балки шахснинг пора бериш ҳақида ўз хоҳишини намоён қилганлиги ҳолатини ҳам жазога сазовор қилмиш сифатида баҳолайди (ЖК 133-модда)³⁹.

Голландия Жиноят кодексининг 364-моддасида судьялар томонидан пора олиш жиноятини мансабдор шахсларнинг пора олишига оид умумий тартибдаги жиноятдан ажратган ҳолда алоҳида жиноят таркиби сифатида белгилаб, мазкур жиноят учун оғирроқ жавобгарликни назарда тутди⁴⁰.

Сингапурнинг «Коррупциянинг олдини олиш тўғрисида»ги Қонунида Парламент аъзоларининг пора олиши ва уларга пора берганлик жинояти давлат хизматчисининг порахўрлиги жиноятдан ажратилган⁴¹.

Малайзиянинг 2009 йилдаги «Коррупцияга қарши курашиш комиссияси тўғрисида»ги Қонунида пора олиш ва беришдан ташқари пора сўраш, қабул қилиш ёки қабул қилишга ваъда бериш, шунингдек, пора беришни ваъда қилиш ёки пора таклиф қилганлик учун ҳам жавобгарлик назарда тутилган⁴².

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига эса, 192⁹-моддасида «*Тижоратда пора эвазига оғдириб олиш*», 192¹⁰-моддасида «*Нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш*», 210-

³⁹ Republic of Korea: Criminal Code // <https://www.refworld.org/legal/legislation/natlegbod/1953/en/37944>.

⁴⁰ Criminal Code of the Kingdom of Netherlands // chrome-extension://efaidnbmnnnibpcajpcglclefindmkaj/https://antislaverylaw.ac.uk/wp-content/uploads/2019/08/Netherlands-Criminal-Code.pdf.

⁴¹ Закон Сингапура «О предотвращении коррупции» // <https://sso.agc.gov.sg/Act-Rev/PCA1960/Published/19930315?DocDate=19870330>.

⁴² Malaysian Anti-Corruption Commission Act 2009 (As at 1 June 2015) // chrome-extension://efaidnbmnnnibpcajpcglclefindmkaj/https://www.sprm.gov.my/admin/files/sprm/assets/pdf/penguatuasaan/Akta_694_(1.1.2022)_B1.pdf.



моддасида *«Пора олиши»*, 211-моддасида *«Пора бериши»*, 212-моддасида *«Пора олиши-беришида воситачилик қилиши»*, 213-моддасида *«давлат органининг, давлат иштирокидаги ташилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариши органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиши»*, 214-моддасида *«давлат органи, давлат иштирокидаги ташилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши органи хизматчисининг қонунга хилоф равишида моддий қимматликлар олиши ёки мулкый манфаатдор бўлиши»*, 214¹-моддасида *«спорт мусобақалари иштирокчилари ва ташилотчиларининг қонунга хилоф равишида моддий қимматликлар олиши ёки мулкый манфаатдор бўлиши»*, 214²-моддасида *«спорт мусобақалари иштирокчилари ва ташилотчиларини пора эвазига оғдириб олиши»* жинояти учун жиноий жавобгарлик белгиланганлиги сабабли ҳозирча биз уларни ушбу Кодекснинг 4-моддасидаги қонунийлик принципи талабига асосан, порахўрлик жиноятлари деб аташимиз мумкин. Бироқ, ушбу моддаларда ахборот-коммуникация технологиялари орқали содир этилаётган порахўрлик жиноятлари учун алоҳида жиноий жавобгарлик миллий жиноят қонунчилигимизда бевосита назарда тутилмаган. Шунга кўра, усулига кўра, 9 та жиноят порахўрлик жиноятлари саналади. Порахўрлик жиноятлари коррупциявий жиноятлар таркибига киради.

Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 829-сон қарори билан тасдиқланган «Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисида»ги Низомга асосан, коррупцияга оид жиноятлар — Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 167-моддасининг иккинчи қисми «г» банди, 168-моддасининг учинчи қисми «в» банди, 192⁹ ва 192¹⁰, 205, 209-214-моддалари, 243-моддасида назарда тутилган жиноятларни мансаб



мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиш ҳамда 301-моддасида кўрсатилган жиноятлар коррупцияга оид жиноятлар қаторига киритилган⁴³. Бирок, порахўрлик жиноятлари Жиноят кодекси 167-моддасининг иккинчи қисми «г» банди, 168-моддасининг учинчи қисми «в» банди, 205, 209, 243- ва 301-моддаларида назарда тутилган қилмишлар билан бирга содир этилса, қасд турли хил мақсадларга қаратилганлиги боис қилмиш жиноятлар мажмуи сифатида квалификация қилинади.

Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилаётган порахўрлик жиноятларини **жиноят субъектига кўра** ҳам ажратиш мумкин, хусусан:

1) давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахси;

Маълумот учун: ушбу турга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 210-моддасида назарда тутилган пора олиш жинояти киради;

2) давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчиси

Маълумот учун: ушбу турга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 214-моддасида назарда тутилган давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкӣ манфаатдор бўлиши жинояти киради;

3) спорт мусобақалари иштирокчилари ва ташкилотчилари;

Маълумот учун: ушбу турга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 214¹-моддасида назарда тутилган спорт мусобақалари

⁴³ Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 829-сон қарори билан тасдиқланган “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

иштирокчилари ва ташкилотчиларининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкӣ манфаатдор бўлиши жинояти киради;

4) ҳар қандай жисмоний шахс;

Маълумот учун: ушбу турга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 192⁹-моддасидаги тижоратда пора эвазига оғдириб олиш, 192¹⁰-моддасидаги нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш, 211-моддасидаги пора бериш, 212-моддасидаги пора олиш-беришда воситачилик қилиш, 213-моддасидаги давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш, 214²-моддасидаги спорт мусобақалари иштирокчилари ва ташкилотчиларини пора эвазига оғдириб олиш жиноятлари киради.

Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилаётган порахўрлик жиноятларини **жиноят объектига кўра**, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексидан келиб чиқадиган бўлсак, тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашиш билан боғлиқ ёки хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қиладиган бошқа жиноятлар ёхуд бошқарув тартибига қарши жиноятларга бўлинади. Бунда, тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашиш билан боғлиқ ёки хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қиладиган бошқа жиноятларга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 192⁹-моддасидаги тижоратда пора эвазига оғдириб олиш, 192¹⁰-моддасидаги нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш жиноятлари кирса, бошқарув тартибига қарши жиноятларга Ўзбекистон Республикаси

Жиноят

кодексининг

210-моддасидаги пора олиш, 211-моддасидаги пора бериш, 212-моддасидаги пора олиш-беришда воситачилик қилиш, 213-моддасидаги давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш, 214-моддасида назарда тутилган давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкӣ манфаатдор бўлиши, 214¹-моддасида назарда тутилган спорт мусобақалари иштирокчилари ва ташкилотчиларининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкӣ манфаатдор бўлиши ва 214²-моддасидаги спорт мусобақалари иштирокчилари ва ташкилотчиларини пора эвазига оғдириб олиш жиноятлари киради.

Шу билан бирга, фикримизча, ахборот-коммуникация технологияларининг хусусиятидан келиб чиқадиган бўлсак, бу тоифадаги жиноятларни қуйидаги илмӣ мезонлар асосида таснифлаш ҳам мумкин:

1) ахборот-коммуникация технологияларининг жиноят объектига таъсир қилиш даражасига кўра:

техник-ёрдамчи порахўрлик: ахборот-коммуникация технологиялари шунчаки алоқа воситаси (масалан, Telegram орқали келишиш). Бунда объект ўзгармайди, анъанавий бошқарув тартибига тажовуз қилинади;

тизимли-интеграциялашган порахўрлик: пора эвазига давлат ахборот тизимидаги маълумотлар ўзгартирилади (масалан, реестрга ноқонуний ўзгартириш киритиш). Бунда объект кенгайди, яъни бошқарув тартиби ва ахборот хавфсизлиги (ЖК ХХ¹ боби) бир вақтда жабрланади;

2) пора предметининг рақамли табиатига кўра:

фиат-рақамли порахўрлик: пора банк карталари ёки тўлов тизимлари (Click, Payme) орқали берилади;

крипто-рақамли порахўрлик: пора аноним криптовалюталар ёки NFT кўринишида берилади. Бу тасниф тергов методикасини тубдан ўзгартиради.

Биз таклиф этаётган мазкур тасниф Жиноят кодексининг махсус қисмидаги моддалар жойлашувига эмас, балки “рақамли тажовузнинг мазмуни”га асосланади. Ахборот-коммуникация технологиялари содир этиш усули сифатида жиноятнинг объектив томонини масофавийлаштириш билан бирга, унинг объектига ҳам трансформацияловчи таъсир кўрсатади. Яъни, жиноят объекти анъанавий бошқарув доирасидан чиқиб, кибермуҳит, шу жумладан, кибермакондаги юридик муносабатлар билан тўлдирилади. Бу эса ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этиладиган порахўрликни мураккаб объектли жиноятлар сифатида квалификация қилиш учун назарий асос бўлади.

Таъкидлаш зарурки, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этиладиган порахўрлик жиноятларини ўрганган тадқиқотчиларнинг илмий ишларини учта гуруҳга бўлиш мумкин, хусусан:

биринчи гуруҳ олимлари (Н.А. Лопашенко, М.Х. Рустамбоев ва бошқалар) порахўрликни классик мулкый манфаат нуқтаи назаридан таҳлил қилган. Бунда, М.Х. Рустамбоевнинг порахўрликни халқаро "Digital Control" назариясига мувофиқ бўлган ахборот-коммуникация технологиялари орқали содир этиладиган порахўрликнинг тамом бўлиш вақтини белгилашда “Назорат қилиш имконияти” (Control theory) концепцияси муҳимдир. Унга кўра, жиноят маблағ электрон ҳамёнга келиб тушган ва айбдорда уни тасарруф этиш учун “рақамли калит” (private key) пайдо бўлган вақтдан бошлаб тамомланади⁴⁴. Ўзбекистон

⁴⁴ М.Х. Рустамбоев. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. 4-том. Давлат ҳокимиятига қарши жиноятлар. – Т.: Ҳарбий-техник институт, 2018. – 86-92-б.

жиноят ҳуқуқи доктринасида М.Х. Рустамбоев порахўрлик жиноятларининг объекти сифатида давлат аппаратининг норматив фаолиятини, бошқарув тартибини ҳамда мансабдор шахсларнинг ўз зиммасига юклатилган вазифа ва ваколатларни беғараз бажаришини кўрсатади⁴⁵. Бироқ, АКТдан фойдаланиб содир этиладиган порахўрликда ушбу объектнинг мазмуни кенгайди. Хусусан, С. Бреннер (Susan W. Brenner) ўзининг “Cybercrime: Criminal Threats from Cyberspace” асаарида таъкидлашича, кибермаконда жиноят объекти нафақат институционал бошқарув тартиби, балки рақамли инфратузилманинг дахлсизлиги ва алгоритмик қарорлар қабул қилиш жараёнининг холислиги билан чамбарчас боғлиқдир⁴⁶. Яъни, рақамли муҳитда мансабдор шахснинг иродаси дастурий код ва алгоритмлар орқали амалга ошганлиги сабабли, жиноят объекти рақамли тизимларнинг хавфсизлиги билан трансформацияга учрайди;

иккинчи гуруҳ олимлари (S.W. Brenner⁴⁷, U. Sieber ва бошқалар) кибержиноятчилик ва рақамли муҳитдаги экс-территориалликка урғу берган, мисол учун, замонавий киберҳуқуқ доктринасида R. Ackerman ва B. Palifkанинг “Коррупция ва давлат” назарияси рақамли муҳитга мослаштирилмоқда⁴⁸. Хусусан, U. Sieber кибермакондаги жиноятчиликни “экс-территориал” характерга эга эканлигини таъкидлаб, рақамли порахўрликни “Crime-as-a-Service” (хизмат сифатидаги жиноятчилик) модели асосида таҳлил қилишни таклиф этади. Унга кўра, ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида содир этиладиган порахўрликда субъектларнинг анонимлиги алгоритмик даражада таъминланади⁴⁹;

⁴⁵ М.Х. Рустамбоев. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. 4-том. Давлат ҳокимиятига қарши жиноятлар. – Т.: Ҳарбий-техник институт, 2018. – 86-92-б.

⁴⁶ S. Brenner. Cybercrime: Criminal Threats from Cyberspace. 2010 y., ABC-CLIO. https://www.google.com/books/edition/Cybercrime/X03K_0W-yYcC.

⁴⁷ S. Brenner. Cybercrime: Criminal Threats from Cyberspace. 2010 y., ABC-CLIO.

⁴⁸ R. Ackerman ва B. Palifka. Corruption and Government: Causes, Consequences, and Reform. 2016 y., Cambridge University Press.

⁴⁹ U. Sieber. Cybercrime and the Law: Challenges of the 21st Century. 2012 y. Max Planck Institute for Foreign and International Criminal Law.

учинчи гуруҳ, яъни янги шаклланаётган олимлар гуруҳи эса (P. De Filippi, N. Christin⁵⁰ ва бошқалар) криптоактивлар ва смарт-контрактларнинг коррупциявий қилмишлардаги ўрнини тадқиқ этган. Рақамли порахўрликнинг объектив томонини таҳлил қилишда De Filippi ва A. Wrightнинг “Блокчейн ва қонун” назариясига таяниш мақсадга мувофиқ. Унга кўра, смарт-контрактлар орқали пора беришда жинойтнинг моддий предмети жисмоний шаклдан рақамли код ва кодланган активларга трансформация бўлади. Бу эса анъанавий жинойт ҳуқуқидаги “мулкий манфаат” тушунчасини кенгайтиришни тақозо этади⁵¹. Шунингдек, пора предмети масаласида А. Отажанов порахўрликнинг моддий асосини мулкий манфаатлар⁵² сифатида тавсифласа, De Filippi ва A. Wrightнинг рақамли порахўрликда предметнинг “ашёвий”лик хусусияти йўқолишини, унинг ўрнига “рақамли активлар” ва “ақлли контрактлар” (smart-contracts) келишини асослайди. Унга кўра, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланилганда пора предмети жисмоний шаклдан рақамли кодга айланади⁵³, бу эса жинойтнинг объектив томонини баҳолашда OECD томонидан илгари сурилган “Рақамли далилларнинг занжирли таҳлили” (Chain of Custody) усули⁵⁴ни қўллашни талаб этади.

Бироқ, юқоридаги ёндашувларнинг ҳеч бирида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этиладиган порахўрлик жинойтларининг рақамли изларини юридик тавсифлаш ва жазони индивидуаллаштириш масалалари Ўзбекистон шароитида комплекс, ўзаро қарама-қарши позицияларни таҳлил (анализ, синтез) қилган ҳолда очиб берилмаган.

⁵⁰ N. Christin. *Traveling the Silk Road: A measurement analysis of a large anonymous online marketplace*. 2013 y. Carnegie Mellon University.

⁵¹ De Filippi, A. Wright. *Blockchain and the Law: The Rule of Code*. 2018 y. Harvard University Press.

⁵² А. Отажанов. *Порахўрлик: жинойт ва жазо*. – Т.: Адолат, 2015.

⁵³ De Filippi, A. Wright. *Blockchain and the Law: The Rule of Code*. 2018 y. Harvard University Press.

⁵⁴ OECD (2020), *The Impact of Digitalisation on Corruption*, OECD Publishing, Paris. // <https://www.oecd.org/corruption/the-impact-of-digitalisation-on-corruption.htm>.

Шунингдек, анъанавий жиноят ҳуқуқи назарияси порахўрликда икки тарафлама (пора берувчи ва олувчи) алоқани асос қилиб олса, замонавий хорижий концепцияларда масалан, “Crime-as-a-Service” – хизмат сифатидаги жиноят моделида рақамли порахўрлик воситачиларсиз, марказлашмаган автоном тизимлар (DeFi) ва алгоритмлар орқали содир этилиши назарий жиҳатдан асосланмоқда.

Фикримизча эса, N.A. Lopashenkoning “коррупциянинг ўзаги мулкый манфаатдир” деган позицияси рақамли маконда ўзгаришга учрайди. Рақамли порахўрлик моделларида предмет фақатгина классик мулк эмас, балки рақамли кодга айланади. Бу эса S. Rose-Askerman ва M. Pieth каби олимларнинг “пора субъективлашуви” ҳақидаги назарияларини Ўзбекистон жиноят ҳуқуқи доктринасига имплементация қилишни тақозо этади. Шу ўринда таъкидлаш керакки, порахўрлик моделлари куйидагилар саналади:

DarkWeb транзакциялари;

ўйин индустриясидаги виртуал артефактлар;

NFT ва бошқалар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2017 йил 31 майдаги 239/3-сон қарори (рўйхат рақами 2893, 2017 йил 23 июнь) билан тасдиқланган Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш тўғрисидаги низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
3. А. Алланов. Порахўрлик жиноятлари тушунчаси ва унинг жиноят-ҳуқуқий тавсифи. –Т.: Eurasian journal of law, finance and applied sciences. 2024 й., 240-б.

4. Волженкин Б.В. Служебные преступления. - М.: Юристъ, 2000. С. 193.
5. <https://islom.uz/maqola/4035>.
6. «О гражданско-правовой ответственности за коррупцию» (ETS N 174. Страсбург, 4 ноября 1999 г.) Конвенция Совета Европы // chrome-extension://efaidnbnmnnibpcajpcglclefindmkaj/https://rm.coe.int/168007f58d.
7. Лопашенко Н. А. Противодействие российской коррупции: обоснованность и достаточность уголовноправовых мер // Следователь. 2009. № 6. С.35–40.
8. Б.С. Шамсутдинов. Коррупциявий жиноятлар учун жавобгарлик. Монография // Масъул мухаррир: Д.Б.Базарова, ю.ф.н., профессор в.б. – Т.: Тошкент давлат юридик университети, 2020. – 120 бет.
9. Ш. Умаров. Порахўрлик жиноятлари учун жавобгарликни халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш масалалари. – Т.: Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган диссертация. 2021 й. – Б.17.
10. М.Х.Рустамбаев “Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳукуқи курси” 4-том. Дарслик. Т.:Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Харбий-техника институти, 2018. 390-бет.
11. В. Каримов. Порахўрлик жиноятларини фoш этиш бўйича ўтказиладиган тезкор-қидирув тадбирлари:қўлланма(практикум).– Тошкент, 2019. –85б.
12. Зуфаров Р.А. Порахурлик учун жинойий жавобгарлик. // Масъул мухаррир М.Х. Рустамбоев юридик фанлари доктори, профессор. – Т.: ТДЮИ., 2004. – Б.16.
13. Ф. Юсупов. Порахўрлик жинояти тушунчаси, моҳиятининг назарий ҳукуқий тавсифи. – Т.: EJLFAS. 2024. №6. – Б.144.

14. L. Lessig. Code is Law. the Perseus Books Group New York/ 2006 у., // <https://archive.org/details/Code2.0/page/n5/mode/2up>.
15. А.Д. Умаров. Причины и условия коррупционных преступлений в Республике Узбекистан и меры их предупреждения. ... Магистрлик диссертацияси. – Т.: 2014 г., – С.: 23.
16. Ғ. Ғофуров. Коррупциянинг жамият тараққиётига хавфи ва унга қарши кураш омиллари... Битирув малакавий иш. – Т.: 2016 й., – Б.8.
17. М.Х. Рустамбоев. Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм) олий ўқув юртлари учун дарслик. – Т.: “ILM-ZIYO”. 2005 й., – Б.75.
18. Ҳ. Очилов, Ш. Хайдаров, З. Шамсиддинова. “Жиноят ҳуқуқи” (Умумий қисм). Ўқув қўлланма. – Т.: ТДЮУ нашриёти, 2021 й., – Б.20.
19. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 14 октябрдаги ПҚ–358-сон қарори билан тасдиқланган Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
21. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 17 декабрдаги 794-сон қарори билан тасдиқланган “Ақлли қишлоқ хўжалиги” технологияларини ривожлантириш стратегияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
22. Ўзбекистон Республикасининг “Телекоммуникациялар тўғрисида” 2024 йил 27 декабрдаги ЎРҚ–1015-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
23. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 23 апрелдаги 102-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантиришнинг ҳолатини

ўрганишни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

24. Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

25. Уголовный кодекс Бельгии // <https://www.wipo.int/wipolex/ru/legislation/details/11657>.

26. Б.С. Шамсутдинов. Коррупциявий жиноятлар учун жавобгарлик. Монография // Масъул муҳаррир: Д.Б.Базарова, ю.ф.н., профессор в.б. – Т.: Тошкент давлат юридик университети, 2020. – 120 бет.

27. Criminal Code of the Slovak Republic // https://natlex.ilo.org/dyn/natlex2/r/natlex/fe/details?p3_isn=72646.

28. Уголовный кодекс Эстонии // <https://www.wipo.int/wipolex/ru/legislation/details/16677>.

29. Уголовный кодекс Республики Молдова // https://continent-online.com/Document/?doc_id=30394923#pos=4628;-20.

30. Уголовный кодекс Румыния // <https://www.wipo.int/wipolex/ru/legislation/details/3580>.

31. Уголовный кодекс Японии // <https://constitutions.ru/?p=407>.

32. Б.С. Шамсутдинов. Коррупциявий жиноятлар учун жавобгарлик. Монография // Масъул муҳаррир: Д.Б.Базарова, ю.ф.н., профессор в.б. – Т.: Тошкент давлат юридик университети, 2020. – 120 бет.

33. Уголовный кодекс Испании // <https://www.wipo.int/wipolex/ru/legislation/details/1324>.

34. Criminal Justice (Corruption Offences) Act 2018 (enacted on 5th June 2018) // <https://www.irishstatutebook.ie/eli/2018/act/9/enacted/en/html>.

35. Уголовный кодекс Литовской республики // <https://www.litres.ru/book/v-p-kazanskene/ugolovnyy-kodeks-litovskoy-respubliki-11132581/chitat-onlayn/>.
36. Кодекс США: Раздел 18 — Преступления и уголовное судопроизводство // <https://www.law.cornell.edu/uscode/text/18>.
37. Código Penal de Chile // chrome-extension://efaidnbmnnnibpajpcglclefindmkaj/https://www.pucv.cl/uuaa/site/docs/20200416/20200416125903/c__digo_penal_de_la_rep__blica_de_chile.pdf.
38. Cap. 201 Prevention of Bribery Ordinance // <https://www.elegislation.gov.hk/hk/cap201>.
39. Republic of Korea: Criminal Code // <https://www.refworld.org/legal/legislation/natlegbod/1953/en/37944>.
40. Criminal Code of the Kingdom of Netherlands // chrome-extension://efaidnbmnnnibpajpcglclefindmkaj/https://antislaverylaw.ac.uk/wp-content/uploads/2019/08/Netherlands-Criminal-Code.pdf.
41. Закон Сингапура «О предотвращении коррупции» // <https://sso.agc.gov.sg/Act-Rev/PCA1960/Published/19930315?DocDate=19870330>.
42. Malaysian Anti-Corruption Commission Act 2009 (As at 1 June 2015) // chrome-extension://efaidnbmnnnibpajpcglclefindmkaj/https://www.sprm.gov.my/admin/files/sprm/assets/pdf/penguatkuasaan/Akta_694_(1.1.2022)_B1.pdf.
43. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 829-сон қарори билан тасдиқланган “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

44. М.Х. Рустамбоев. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. 4-том. Давлат ҳокимиятига қарши жиноятлар. – Т.: Ҳарбий-техник институт, 2018. – 86-92-б.
45. М.Х. Рустамбоев. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. 4-том. Давлат ҳокимиятига қарши жиноятлар. – Т.: Ҳарбий-техник институт, 2018. – 86-92-б.
46. S. Brenner. Cybercrime: Criminal Threats from Cyberspace. 2010 у., ABC-CLIO.
https://www.google.com/books/edition/Cybercrime/X03K_0W-yYcC.
47. S. Brenner. Cybercrime: Criminal Threats from Cyberspace. 2010 у., ABC-CLIO.
48. R. Ackerman ва B. Palifka. Corruption and Government: Causes, Consequences, and Reform. 2016 у., Cambridge University Press.
49. U. Sieber. Cybercrime and the Law: Challenges of the 21st Century. 2012 у. Max Planck Institute for Foreign and International Criminal Law.
50. N. Christin. Traveling the Silk Road: A measurement analysis of a large anonymous online marketplace. 2013 у. Carnegie Mellon University.
51. De Filippi, A. Wright. Blockchain and the Law: The Rule of Code. 2018 у. Harvard University Press.
52. А. Отажанов. Порахўрлик: жиноят ва жазо. – Т.: Адолат, 2015.
53. De Filippi, A. Wright. Blockchain and the Law: The Rule of Code. 2018 у. Harvard University Press.
54. OECD (2020), The Impact of Digitalisation on Corruption, OECD Publishing, Paris. // <https://www.oecd.org/corruption/the-impact-of-digitalisation-on-corruption.htm>.